

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ, БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги улкан тарихий хизматларини инобатга олиб ҳамда у кишининг хотирасини абадийлаштириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Бадий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш (кейинги ўринларда юбилей тадбирлари деб аталади) тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича таъминот кўмити (кейинги ўринларда Ташкилий кўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита ушбу санани нишонлаш бўйича тадбирлар режасини икки ҳафта мuddатда ишлаб чиқсин. Тадбирлар режасида қуйидагилар назарда тутилсин:

2018 йил январь ойида Самарқанд шаҳрида Ислам Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуасини очил;

Қарши шаҳрида Ислам Каримов хотирасига бағишлаб ҳайкал ўрнатиш ва тантанали очилиш маросимини ўтказиш;

"Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан Ислам Каримов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов фаолияти хроникаси (солнома)" китобини, "Маънавият" нашриётида Ислам Каримовнинг "Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир", "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарларини, шунингдек, "Президентга мактублар" китобини нашр этиш ҳамда белгиланган тартибда таълим масканлари, ахборот-ресурс марказлари, маданий-маърифий муассасалар ва маҳаллаларга етказиш;

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди билан биргаликда "Ислам Каримов – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси" мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш;

2018 йилнинг I чорағида "Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола" танловини яқунлаш ва унинг ғолибларини тақдирлаш;

таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти хотирасига бағишланган учрашувлар ташкил этиш.

4. Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди томонидан "Ислам Каримов – мустақил Ўзбекистон асосчиси" китоб-альбоми нашрга тайёрланган маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги юбилей тадбирларида хорижий меҳмонлар, олимлар ва экспертлар иштирокини таъминлашда ҳамда уларга республикага кириш визаларининг консуллик ва бошқа йўғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

6. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти юбилей тадбирларига таклиф этилган хорижий меҳмонлар учун республика ички қатновларига йўл чипталарини

банд қилиш ва сотиб олиш, уларни мамлакатимиздаги халқаро аэропорт ва темир йўл вокзалларининг VIP заллари орқали кутиб олиш ва кузатишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юбилей тадбирларини ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур маблағ ажратсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни икки ҳафта мuddатда ишлаб чиқсин ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига юбилей билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 27 ноябрь

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти Кенгашининг
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган сайлов округларига депутатлар сайловини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 20- "Искандар", 31- "Янгиобод" ҳамда 34- "Ўзбекистон" сайлов округларига депутатлар сайловини ўтказиш куни 2017 йил 24 декабрь (якшанба) куни этиб белгилансин.

Сессия раиси

Б. ҚОСИМОВ

2017 йил 22 ноябрь

Қомусимиз – бахтимиз

Диний маърифатнинг умуминсоний маданиятда тутган ўрни бекибсиз. Мамлакатимизнинг Бош қомусида мустақамлаб қўйилган виждон эркинлиги ҳар бир фуқарога динга эътиқод қилиш ёки бирорта динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини кафолатлайди. Ислам динининг муқаддас китоби – Қуръону Каримнинг "Бақара" сурасида ҳам "Динда мажбурлаш йўқдир", дея марҳамат қилинади. Унга қўра, дин ва эътиқод қаноат ва розилик билан қабул қилиниши лозим.

КОНСТИТУЦИЯ – ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

31-модда.

Халқимиз топиладиган анъанавий ва соф Ислам дини ёшларни турли ғайрихалқий ва бузғунчи гоялар, салбий одатлар, "оммавий маданият" хуружларидан ҳимоя қилувчи ишончли восита – юксак маънавият ва маърифат асосида тарбиялашнинг муҳим воситаси эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда Ислам арконларини тўлиқ бажариш учун кенг имконият ва шароитлар яратилган. Бўша қолган муҳим мисолида кўрадиган бўлсак, истиқлолгача бўлган даврда бу ҳудудда фақат битта жоме

масжид фаолият юритган ва атиги икки киши муқаддас Ҳаж амалини бажаришга муваффақ бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Мустақиллик йиллари ўн еттита ана шундай ибодат маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бўшадаги "Қодирхон махсум" жоме масжиди 1956 йилда ҳашар йўли билан барпо этилган бўлса-да, расмий фаолиятини истиқлол йиллари бошлаган. Илгари эътибордан четда қолган ушбу масжид 2003 йилда кенгайтирилиб, қайта қурилди.

Давоми 2-бетда. ➡

Мулоқотдан сўнг...

Ўрта Чирчиқ туманидаги 3-умумтаълим мактабда ўтказилган очик мулоқотда "Роватак" ва "Қурамаовул" маҳаллалари аҳолисини қийнаётган муаммоларга барҳам берилди.

РОВАТАКДАГИ МУАММО ЕЧИЛДИ

Мулоқотда ушбу маҳаллаларда яшовчи аҳоли вакиллари, ҳудудий сектор, вилоят ва туман мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда тилга олинганидек, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, ҳудудларни ободонлаштириш, аҳолига қулайлик яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд муаммолар, хусусан, табиий газ, электр энергия таъминоти, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда юзага келган камчиликлар бартараф этилаётган.

Маҳалламизнинг янги идораси қурилиши айрим сабабларга қўра ортга сурилаётган эди, дейди "Роватак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зикриё Юнусов. – Бугунги тадбирда ана шу муаммо ўз ечимини топди. Бундан хурсандимиз.

Яқунда халқ билан мулоқот қилиш инсон манфаатларини таъминлашнинг мезони эканлиги таъкидланиб, бундай учрашувларнинг мазмун ва қамровини кенгайтиришга келишиб олинди.

Отабек ИСРОИЛОВ.

ФАРОВОНЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоққа ер эгалари Кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Она ер ёшлар қўлида" шиори остида Республика ёш фермерлар форуми ташкил этилди.

Форум

Ушбу форум ёш фермерларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, уларни соҳада ютуққа эришган илғор мутахассислар фаолияти билан таништириш, намунали фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига агро-бизнес саёҳатлар уюштирган ҳолда маҳорат дарсларини ташкил этиш мақсадида ўтказилди.

Давоми 2-бетда. ➡



Вилоят хотин-қизлар кўмитасида

ФАОЛЛИК – БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Нурафшон шаҳрида вилоят хотин-қизлар кўмитасининг навбатдан ташқари бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда бошқарув аъзолари билан бир қаторда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибят раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, туман ва шаҳар ҳокимлари, жойлардаги

хотин-қизлар кўмитаси раислари, шунингдек, ҳамкор давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Бошқарув йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республи-

ка Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева ташкилотнинг бугунги фаолияти, ишда йўл қўйилаётган камчиликлар, шунингдек, унинг олдида турган долзарб вазифалар юзасидан маъруза қилди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Сайёра Файзиёва бошқа ишга ўтиши муносабати билан эгалаб турган лавозимидан озод этилди.

Бошқарув Озода Пармиева вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси этиб тасдиқлади. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси бошқарув йиғилишида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Фуломжон Ибрагимов сўзга чиқди.

Ўз муҳбиримиз,
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат.

Таассуф

Ўқувчини ўғри қилган... ўзимиз

Янгийўл туманида яшовчи Адҳам Гулматов энди 16 ёшга қирди. Жорий йил тенгдошлари қатори 9-синфни тугатиб, таълим олган даргоҳида очилган 10-синфда, лицей ёки коллежда ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлди.

Бундан фойдаланиб, янги ўқув йилини тумандаги коллежалардан бирида бошлади. Кўп ўтмай, фикри ўзгарди – ўқишни мактабда давом эттиришга қарор қилди. Шу орада, у икки таълим муассасасига қатнади. Қисқаси, коллеждагилар Адҳамнинг ҳужжатларини мактабга жўнатганини, у ердагилар эса бу борада муаммо мавжудлигини ўқувчи қилишдан чарчашмади. Натижада, бола на коллежда борди, на мактабда ўқиди. Орадан кунлар ўтди. Бу

пайтда оғир хасталикка чалинган Адҳамнинг отаси уни етарлича назорат қилиш ҳолатида эмасди. Она эса рўзғор ва бошқа ишларни баҳона қилиб, жигарбанди тарбиясига вақт ажратмади, тўғрироғи, буни истамади. Негаки, агар унда истак-хоҳиш бўлганида, бу муҳим масала учун вақт топарди. Кези-қелганда айтиш жоиз, бугунги кунда бола таълим-тарбиясига Адҳамнинг ота-онасига ўхшаш айрим оила бошлиқлари қаратмаётган эътиборни қўни-қўшни,

маҳалла-қўи аҳлидан қутти ноўриндек.

Хуллас, Адҳам назоратсиз қолиб, билганини қилди. Шу йилнинг 16 ноябрь куни Янгийўл шаҳри ҳудудида қолдирилган "Спарк" русумли машинадан 1000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ўғирлаётганида қўлга тушди...

Янгийўлдаги 64-мактабда бўлиб ўтган тадбирда бу каби ёшлар жиноятчилигининг олдини олишга жиддий эътибор қаратилди. Жорий йилнинг 15 ноябрь куни Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселекторда кўтарилган масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Давоми 2-бетда. ➡

2018 йил
учун

«Тошкент ҳақиқати» ва
«Ташкентская правда»
газеталарига
обуна
давом этмоқда!

Ўқитувчилар, ўқувчиларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишда сўз олган вилоят ички ишлар

ноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар етарли бўлмаётгани, шу боис, бу борадаги иш-

радиган копток эмас, — дейди Янгийўлдаги "Эски Қовунчи" маҳалласи фаоли Мехринисо Аҳмедова. — Фарзанд тарбиясига ота-она

нафардан кўпроқ ёшларни қотиқлик, босқинчилик, ўғрилик, талончилик, номусга тегиш каби оғир жиноятларни содир этган.

сиз қолдириши, уларнинг эҳтиёжлари қондирилмаслиги, мисол учун, егулик ва улар яхши кўрадиган бошқа нарсалар учун доимий равишда маблағга эга бўлмаслиги ёки ортиқча пул билан таъминланиши туртки беради. Уларнинг барча ёмон қилмишлари осонликча кечирилиши, одобсизлик қилганида танбеҳ эшитмаслиги, интернет сайтларидаги ножоиз видеолар, жангари ўйинларни кўриши, турли сабаблар билан ота ёки онанинг хорижага узоқ муддат чиқиб кетиши ҳам боланинг жиноят қилишига олиб келиши, шароит яратиши мумкин.

Йиғилишда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамда тегишли жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини жонлантириш ва мустақамлаш, жиноятлар келиб чиқиш сабабларини барвақт аниқлаш бўйича тавсиялар берилди.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

КОНСТИТУЦИЯ — ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Бу ерда намозхонларнинг эмин-эркин ва бамайлихотир ибодат қилиши учун қулай шароитлар яратилган.

Кейинги йилларда тумандаги яна бир қанча шундай даргоҳ замон талаби даражасига келтирилди. Айни пайтда "Равот" ҳамда "Эштой-бобо" жоме масжидларида қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин давом этмокда.

◀◀ Бошлонғичи 1-бетда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислон дини равақига хизмат қилувчи муҳим ислохотларни амалга оширмокда. Ўртбошимиз Самарқанддаги Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридид маркази қошида калом илми, Фарғонадаги Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухородаги Баҳоддин Нақшбанд марказида эса тасаввуф, Қашқадарёдаги Абу Муин Насафий марказида ақиди илмий мактабини ташкил этиш таклифи билдириб, бу муассасалар фарзандларимизни соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда мустақам пойдевор бўлишини алоҳида таъкидлади.

Азимжон АЛИМЖОНОВ,
"Қодирхон маҳсуми" жоме масжиди имом-хатиби.

ҒОЛИБЛАР МАМЛАКАТ БОСҚИЧИГА БОРАДИ

Ўрта Чирчиқ туманида Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзодлар кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда шахар ва туманларимиздан 108 нафар иқтидорли қиз иштирок этди, танловнинг адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди.

□ Танлов

Таъкидлаш жоиз, ушбу танлов қизларнинг салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариш, уларда интилиш, ўзига ишонч, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустақамлашга хизмат қилаётди.

Тадбирда номзодлар томонидан тайёрланган ижод намуналари, хусу-

сан, кашталар, замонавий ва миллий услубдаги либослар, хунармандчилик намуналари, турли ўй-ўзғор буюмлари, гўзал табиатимиз акс этган расмлар иштирокчилар эътиборини тортди.

Вилоятимизда иқтидорли ёшлар кўп. Уларни кашф этиш учун эса

шундай танловлар муҳим аҳамиятга эга.

— Шеърятга ҳавасим банд, — дейди танловда адабиёт йўналиши бўйича қатнашган Ўрта чирчиқлик Севинч Авазова. — Вилоятимизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари томонидан билдирилган фикрлар мени излашга, ўз устимда кўпроқ ишлашга ундамокда.

Танловда йўналишлар бўйича энг яхши натижага эришган қизлар мамлакат босқичига йўланмани қўлга киритди.

Сайёра ИКРОМОВА.

□ Қибрай томонларда

Туманда навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда туманда жойлашган ўттизга яқин корхона ва ташкилот 380 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Банд бўлмаган аҳоли, асосан, уюшмаган ёшлар ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари қатнашган ярмаркада тижорат банкларининг мутахассислари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган фуқароларга бизнес режа тузиш ва кредит олиш юзасидан ўз маслаҳат ва тавсияларини бердилар.

Тадбирда қарийб ўттиз нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўланмага эга бўлди.

КИТОБХОНЛИК ОИЛАДАН БОШЛанаДИ

Қибрай туманида "Энг яхши китобхон оила" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби аниқланди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган танловда Бўқа, Зангиота, Охангарон, Қибрай, Қўйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманларидан 6 оила "Биз китобхон оиламиз", "Биз севган китоб", "Бадий ва маънавий саводхонлик" шартлари бўйича ўзaro бахшладди.

Мазкур танлов аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларни мунтазам равишда китоб мутолааси билан шуғулланишга тарғиб қилиш, чекка ҳудудлардаги оилаларда китобхонликка қизиқишни ошириш мақсадида ўтказилмокда.

Танловнинг туман ва шахар босқичларида олтинчидан эъод оила иштирок этди. Улар орасида барча шартларда юқори натижа қайд этган охангаронлик Шухрат Сувоновлар оиласи ғолиб, деб топилди.


— Китоб мутолааси фарзанд тарбиясининг муҳим мезонидир ва бунинг кадр-қимматини яхши англаган оилалар

сафи йил сайин кенгаймокда, — дейди Ш. Сувонов. — Биз ҳам болаларни китобга ошно қилиш, уларнинг китоб ўқишларига шароит яратиш учун хонадонимизда оилавий кутубхона ташкил этганмиз. Бу, энг аввало, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол улғайишида муҳим ҳисобланади. Чунки, китоб ўқиган боладан ҳеч қачон ёмонлик ва бузғунчилик чиқмайди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга доир тарғибот ишлари тизими ва самарали давом эттирилмокда.

Ўз мухбиримиз.

Ўқувчини Ўғри Қилган... Ўзимиз



бошқармаси бошлиғи С. Нишонбоев, ушбу даргоҳ директори вазифасини бажарувчи Г. Исаева, туман прокурори У. Тошев ва бошқалар кейинги пайтларда туманда ёшлар иштирокида содир этилаётган турли жи-

◀◀ Бошлонғичи 1-бетда.



ларни янада кучайтириш зарурлиги хусусида сўз юритди. "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмагани танқид қилинди.

— Бир китобда ўқигандим, бола "Сен тарбиялашинг керак", деб гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оши-

масъул, ўқитувчи эса кўмакчи. Ҳа, айнан шундай.

Маълумотларга кўра, 2017 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида вилоятимизда яшовчи, 18-30 ёшли 22 минг нафардан зиёд йигит-қизлар жиноятга қўл урган. Таълим муассасаларининг 840

Мазкур тадбирда қатнашган 64-мактаб психологи Шохиди Саматова-нинг айтишича, боланинг жиноят қилишига биринчи навбатда оиладаги муҳит сабаб бўлади. Шунингдек, фарзандларимиз тарбиясига ота-оналарнинг бевътиборлиги, назорат-

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Бўстонлик туманидаги "Ёшлар" оромгоҳида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан ўтказилган ўқув семинарда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 170 нафарга яқин Республика ёш тарғиботчилар маркази вакиллари иштирок этди.

□ Семинар

Қатнашчилар учун ҳуқуқий, фан-таълим ва маънавий йўналишлари бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулотлар ташкил этилди. Унда малакали мутахассислар томонидан тарғиботчиларнинг аудитория билан ишлаши, сиёсий ҳуқуқий билими, юртимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар мазмун-моҳиятини нечоғли тўғри тушунира олиши, хорижий тилларни пухта ўзлаштиргани, нуқт маданияти каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қабул қилинаётган қонунлар, Президентимизнинг қарор ва фармонларида белгиланган устувор вазифалар, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида кенг тушунча берилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, йигит-қизларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ўз олдига тўғри мақсад қўйиш ва унга эришишни ўргатиш ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Тарғибот тадбирларида чекка ҳудудлардаги ёшларни ҳам қамраб олиб, уларнинг қизиқиш ва муаммолари билан яқиндан танишишга эришилмокда. Бундан ташқари, иқтидорли, фаол ва ташаббускор талаба-ёшлар жойларга чиқиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларига турли фанлардан машғулотлар ўтказишга ёрдам беради.

Семинарда Республика ёш тарғиботчилар марказининг кейинги йил учун иш режаси самарадорлигини оширувчи лойиҳа тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Унда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, китобхона, билим олишга қизиқишини ошириш, бу йўналишда бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз.

ФАРОВОНЛИКНИНГ МУСТАҚАМ ЗАМИНИ



Ҳар ёш фермерлар фаолиятини таништирувчи фотогалерея, махсус баннерлар ва видеороликлар намойиш этилди. Кўргазмада вилоятимиз фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши тайаббуси билан туманларда фаолият юритаётган ўттизга яқин ёш фермерлар ўз маҳсу-

ҳисса қўшиб келаятган Жиззахдаги "Анвар А" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов, Фарғонадаги "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси Лола Муратова каби ўз ишини усталари бўлган етакчи фермерлар ютуқлари, Навоийдаги

САЛОМАТЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Бугун тиббиёт йўналишида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмокда. Хусусан, соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган қатор муаммо ва масалалар, аҳолининг норозилигини келтириб чиқараётган бошқа кўплаб омилар давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида турибди. Жорий йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича бевосита Президент раислигида уч марта махсус йиғилиш ўтказилган бу фикрни яққол тасдиқлайди...

□ Эътибор

Ўз навбатида, тиббиёт ходимлари ҳам ана ўша танқид ва таҳлилларга, фаолиятини тубдан янгича асосларда ташкил этиш шартлиги бўйича даъватга: "Лаббай!" дея жавоб бериб, аҳоли розилигини олишга астойдил интилмокдалар. Бу йўлда уларга барча шароит яратиб берилаётти, керакли моддий-техник база билан таъминланаётти. Шу ҳақда сўз кетар экан, бирламчи тиббий-санитария ёрдамни талкомиллаштиришга оид қарор ижроси доирасида 793 та қишлоқ врачлик пункти неғизда қишлоқ оилавий поликлиникалари, 441 та тез тиббий ёрдам шаҳобчалари ташкил этилди. Фаолияти тугатилган 658 та қишлоқ врачлик пункти бинолари хизмат уйи сифатида фойдаланиш учун шифокорларга берилганини ёдга олиш қиёфа.

Ўзбекистон Республикаси-

нинг Биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга асосан, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи қашанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади. Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган соҳа фидойилари ҳам мазкур байрам муносабати билан Пискент туманидаги "Нурнигор" тантаналар мажмуида тўпланишди. Айтиш жоизки, касб байрами шунчаки шифокорларнинг бир дастурхон атрофида жам бўлиб, дилқаш гуруҳ қилишигина эмас, ўз олдларига турган долзарб ва муҳим вазифалар ижроси юзасидан ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашувга айланиб, мулоҳазалар қизгин муҳокамаларга уланди.



— Биз бугун касб байрами муносабати билан йиғилган эканмиз, аввало, эндиликда амалга оширилмиш лозим бўлган долзарб вазифалар, муҳим топшириқлар ижроси бўйича дўстларча суҳбатлашиб олишни кўзлаганимиз, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Носиров. — Албатта, давлатимиз раҳбари бугун бизнинг олдимишга ўта муҳим вазифаларни қўйиш орқали халқнинг сифатли хизматга бўлган эҳтиёжини қондириши, тиббий маданиятини юксалтиришни назарда тутмокдалар.

Таниқли санъаткорлар, эл ардоғидаги хонандалар, шоирлар, бадий гуруҳлар иштирокида ўтган байрамда

сўзга чиққанлар бугунги тинч ва дориламон кунлар, хузурубаш лаҳзалар учун шукроналик билдириб, танда мадор, юракда қувват бор экан, шу она Ватанга хизмат қилиш шараф эканини таъкидлашди.

Жорий йил давомида вилоятимиз бўйлаб соғлиқни сақлаш йўналишида ҳам бир қатор эзгу ишлар амалга оширилди. Бу лойиҳаларнинг баъзилари ҳозирги кунда яқунланган ва фойдаланишга топширилиш арасида. 90 ўринга мўлжалланган вилоят кардиология диспансерининг турдаги уловга эҳтиёжи бўлган тиббиёт масканларига тарқатилди. Қолаверса, шу куннинг ўзида яна 10 донда "Hyundai" русумли махсус



ажратилди. Айни пайтда охириги безак ишлари якунига етказилмокда. Ўтган вақт давомида 116 та "Damas" русумли тиббий ёрдам санитар транспортлари ҳудудий бўлим ҳамда қишлоқ оилавий поликлиникалари ихтиёрига берилди. "Саломатлик — 3" лойиҳаси қамровида 9 та рақамли рентген аппаратлари ажратилди ва улар аҳоли учун хизмат кўрсатишини бошлади. Шунингдек, йил бошидан бери 9 та "Nissan" русумли замонавий тиббий ёрдам санитар транспорти тоғли ҳудудлар ҳамда шундай турдаги уловга эҳтиёжи бўлган тиббиёт масканларига тарқатилди. Қолаверса, шу куннинг ўзида яна 10 донда "Hyundai" русумли махсус

транспорт туман тиббиёт бирлашмалари ихтиёрига берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур саъй-ҳаракатлар, ажратилаётган маблағлар энг чекка ва олис ҳудудларга ҳам замонавий тиббиёт "нафаси" етиб боришини таъминлашга қаратилган.

Тантанали маросимда кўп йиллар соҳада ҳалол ва самарали меҳнат қилиб келган 30 нафар шифокорга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Б. Аҳмедов иштирок этди.

Беход ҚОЕУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Муаллиф олган суратлар.

□ Бунёдкорлик

Ангренда маъмурий ва жиноят ишлари бўйича шаҳар судларининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, фахрий ҳуқуқшунослар, туман фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар туфайли соҳада ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани, ҳодимларнинг меҳнат шaroити яхшилаётгани суд тизими самарадорлиги ва фуқароларнинг одил судловга эришиши даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Респуб-

ликаси суд тизими тuzилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи суд-ҳуқуқ тизими моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ҳудудларда янги суд бинолари қуришмоқда, мавжудлари реконструкция қилинаётир. Ангрен шаҳрида қуриб, фойдаланишга топширилган

янги суд биноси ҳам ана шу эътибор самарасидир.

— Замонавий ва муҳташам суд биносида "Бойсун омад қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 3 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари bajarилди, — дейди Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди раиси Ф. Эргашев. — Бинода маъмурий ва жиноят ишлари бўйича судлар учун мўлжалланган алоҳида 3 суд зали, ҳодимлар ва фуқароларни қабул қилиш хоналари мавжуд.

А. МУСАЕВ,
ЎзА мухбири.

ШАҲАР СУДИ ЯНГИ БИНОДА



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

□ Спорт-техника клубларида

Бўстонлик туманида Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши тасарруфидаги Ғазалкент ўқув спорт-техника клубининг барча зарур шарт-шароитлар яратилган янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

ЁШЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Иншоотнинг очишлиш маросимиде вилоят ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, спортчилар, ёшлар иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар ўғил-қизларимизни жисмонан ва маънан соғлом инсонлар этиб вояга етказиш, уларни билим олиши, спорт билан шуғулланиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг шaroит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

— Ғазалкент ўқув спорт-техника клубининг фойдаланишга топширилган янги биноси ҳарбий соҳа, спортнинг техник ва амалий турларида қизиқадиган йигит-қизлар пухта билим эгаллайдиган муассаса-

дир, — дейди Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раиси Баҳодир Тўйчиев. — Албатта, ёшларимиз яратилган бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзларининг назарий билимларини ошириб боради ва амалий машғулотлар орқали кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Тадбир доирасида давра суҳбати уюштирилди. Иштирокчилар эътиборига "Ватанпарвар тасарруси" ансамбли концерт дастури ҳавола этилди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат.

МАРДЛИК ВА МАҲОРАТ
САБОҚЛАРИ

Мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бекобод тумани ўқув спорт-техника клубида "В", "ВС" ва "Д" тоифали ҳайдовчилар тайёрланади. Утган икки йил мобайнида бу ерда 580 нафардан зиёд ёшлар ҳайдовчилиққа ўқитилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Клуб ўқув хоналари бугунги кун талаби асосида жиҳозланган. Замонавий автомобиллар билан таъминланган мазкур ташкилотда машғулотлар компьютерлашган тизим асосида олиб бориладигани тингловчиларнинг қизиқишини янада ошираётир.

Бу ерда ҳайдовчилар тайёрлашдан ташқари, спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Зеро, ёшларни Ватанга садоқатли, эл-юртга фидойилик билан хизмат қиладиган, жисмонан ҳамда маънан соғлом қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёс.

— Айни пайтда ҳаволи милтиқдан ўқ отиш, ёзги биатлон каби спорт турларимиз ишлаб турибди, — дейди "Ватанпарвар" ташкилотининг Бекобод тумани кенгаши раиси Сўҳроб Деҳқонов. — Спортчиларимиз ўртасида клуб ва туман микросида турли мусобақалар ташкил этилаётгани ўз самарасини бераётир, улар вилоят, республика

бўйича ўтказилаётган беллашувларда яхши натижа кўрсатмоқда.

Клубда ёшлар маънавиятини янада юксалтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Шоир ва ёзувчилар иштирокида ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувлар, "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!", "Навоийни улуғлаб", "Боқий меросимиз", "Аждодларни хотирлаш — муқаддас бурч", "Фидойилик бўлгандир" сени, Ўзбекистон!", "Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид" каби мавзуларда ташкил этилаётган тадбирлар ана шу мақсадга қаратилгандир.

Таъкидлаш жоиз, ушбу жамоа ёшлар қалбида она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш, бошқача айтганда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Қуролли Кучларимизга ҳар ҳафтан етук ва баркамол ёшларни етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Муродали АШУРОВ.

Унинг тумандаги "Бўстон" маҳалласи ҳудудида ташкил этган "Гулшан" хусусий корхонаси эркаклар ва аёллар саргаршоҳонаси, тивувчилик ательеси, суратхона, телерадио апаратураларини сошлаш хоналари ҳамма мижозлар билан ғавжум. Чунки, корхонада тажрибали ва айни пайтда ўз ишини пухта биладиган уста ва чеварлар меҳнат қилишадди. Бу борада мижозларга сифатли хизмат кўрсатилаётгани боз гап.

Диққатга сазовор томони шундаки, бу маскандан касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг қадамини узилмайдди. Зотан, яхши хунар эгаси бўлиш учун, аввало, билимдон устознинг эгадидан тутмоқ керак. Шундай бўлди ҳам. Маҳалла ҳудудида жойлашган маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчилари, айниқса, амалиёт ўташ истагида бўлган ёшлар корхона усталарини ҳолу жонига қўйишмайдди. Ўрганиш, билим олиш иштиғи уларга тинчлик бермайдди.

Бу борада телерадио апаратураларини сошлаш устаси Фозил Ибрагимов, саргаршо Абдулманнон Дўстматовнинг саъй-ҳаракати, устозлик маҳорати ёшларга ўзига хос ибрат мактаби бўлиб келяпти. Дипломолди

амалиётини ўтаган ёшлар улардан миннатдор. Энг яхши, иқтидорли коллеж битирувчилари бевосита уч томонлама шартнома асосида шу даргоҳга ишга қабул қилинади. Шу йилнинг ўзида ўнга яқин коллеж

□ Тадбиркорлик

Тадбиркорликда бир жойда тўхтаб туриб бўлмади. Доимий изланувчанлик, янгилликка интилиш, ранг-баранглик унинг боз омилиридандир. Буни яхши англаган бекободлик Беҳзод Деҳқонов ўз маҳалласида маиший хизмат соҳасига иктисослашган хусусий корхона очига жазм этди.

ИСТИҚБОЛ САРИ
ОДИМЛАЁТГАН КОРХОНА

битирувчиси иш билан таъминланди.

Хусусий корхона эгаси Беҳзод Деҳқонов узокни қўлаб иш олиб борадиганлардан. Шунинг учун бўлса керак, истиқболли режалар, янги-янги лойиҳалар устида бош қотиришдан асло чарчамайдди. Бу борада унинг устози, маиший хизмат соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган отаси Файрат ақининг маслаҳати ва мададига таяниб иш кўради. Ота-боланинг ҳамфикр, маслаҳатдош эканлиги эътирофга сазовор.

Беҳзод 2016 йилнинг январь ойида банкдан

125 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, яна бир янги ишга қўл урди. Кредит эвазига баннер чиқариш ускунаси сотиб олинди. Натижада, аҳолига реклама хизмати кўрсатишнинг кенг формалари турлари вужуд

Тожихон Раҳмонова. — "Гулшан" хусусий корхонаси ва тадбиркорлик билан иш олиб бораётган Беҳзод Деҳқоновнинг ишбилармонлиги маҳалламизга жуда қўл келмоқда. Тажрибали усталарнинг кўмаги билан ёшлар хунар эгаллашмоқда, иш билан таъминланаётир.

Дарвоқе, хусусий корхонанинг маҳалла учун қилаётган бегараз ёрдами таҳсинга сазовор. Шу йилнинг ўзида ўндан ортиқ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Байрам кунлари ёрдамга муҳтожларга, ёлғиз ва ногиронларга совға-саломлар улашилди.

— Кириб келаётган 2018 йилда ишлаб чиқаришни янада кенгайтирмоқчимиз, — дейди Беҳзод Деҳқонов. — Буюртмачилар учун муҳр, тамга тайёрлаб беришни йўлга қўямиз, миллий ва Европа таомларини тайёрлаш маркасини ишга туширмоқчимиз. Агар бу режаларимиз амалга ошса, яна 15 нафар коллеж битирувчиси, маҳалладошларим иш билан таъминланади.

Демак, хусусий корхона жамоаси эртанги кунни, ўз маҳалласининг истиқболлини қўлаб меҳнат қилаёпти. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳамма эътирофга лойиқдир.

Ашурвали БОЙМУРДОВ.

□ Анжуман

Ҳиллий матбуот марказида "Ўзқурилиш-материаллари" акциядорлик жамияти томонидан "Маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида белгиланган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН
ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

"Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Т. Муҳаммаджонов аҳолини сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш орқали импортни камайтириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган вазифалар ҳақида сўз юритди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 декабрдаги "2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришмоқда. Цемент, қурилиш ойнаси, керамик плиталар, қуруқ аралашмалар, шифер, гипс, деворбоп материаллар шулар сирасидандир. Шунингдек, жорий йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида 10 та лойиҳа амалга оширилиб, 63,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Энергиятежамкор ва самарадор технологияларни жорий қилиш орқали импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар турини кўпайтириш доимий эътиборда, — дейди "Охангароншиффер" корхонаси бош муҳандиси Шерзод Хушназаров.

Тоғ жинсларини майдалаб, қизил рангдаги шифер ишлаб чиқарди. Минг дона ана шундай маҳсулотнинг қуёшга ва совуққа чидамлилиги синонадан ўтказилмоқда. Ангрен тупрогидан ярим тайёр лой тайёрлаб, қулолларга етказиб бермоқдамиз. Улар тарихий обидаларни таъмир-

лашда қўлланмоқда.

Цемент саноати ҳам изчил модернизация қилинмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 14 цемент заводи фаолият юритмоқда. "Қизилқумцемент" акциядорлик жамияти юртимиздаги етакчи корхоналардан бири. Бу ерда йилига қарий 3,5 миллион тонна цемент тайёрланади. Шунингдек, "Охангаронцемент", "Қувасойцемент" ва "Бекободцемент" акциядорлик жамиятларида 4 миллион тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

— Янги турдаги портландцемент ишлаб чиқаришни бошладик, — дейди "Қизилқумцемент" акциядорлик жамияти сифат бўлими бошлиғи Зайниддин Қурбанов. — Айланма печлар модернизация қилиниб, маҳсулотнинг сифати оширилмоқда. Маҳаллийлаштириш жараёнида қуруқ қурилиш аралашмалари, плиталар, темирбетон таянч устунлари, лотоклар ишлаб чиқаришни бошладик.

— Қварц қумини хоридан хариб қилардик, — дейди "Қварц" акциядорлик жамияти бош технологи Саиджон Ғаниев. — Маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида 2016 йилдан буён хом ашё Навоий вилоятидан олинмоқда. Жорий йилдан автомобиль ва қурилиш саноати учун импорт ўрнини босадиган турли қалинликдаги ойна ишлаб чиқариш лойиҳасини бошладик. Кунига 400 тонна ойна ишлаб чиқариладиган линия келгуси йилдан тўлиқ қувватларда ишлайди.

Матбуот анжуманида жорий йилда экспортёр корхоналар сони 42 тадан 50 тага, экспорт маҳсулотларининг тури эса 40 тадан 45 тага етказилгани, қатор хорижий давлатларда дилерлик тармоқлари ва савдо уйлари ташкил этиш чоралари қўрилаётгани маълум қилинди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Биргаликда
□ курашамиз

Халқимиз азалдан адолат туйғусини юксак қадрлаб келадди, бу оиланов қадриятни ҳаётининг бош мезони деб билади. Бугун ҳам ана шу юксак инсоний тамойилни ҳаётимизда кенг қарор топтириш давлатимиз сийосатида биринчи даражали вазифа этиб белгиланган.

Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар қўрилади. Бу борада Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси изчил фаолият юритмоқда.

Дарҳақиқат, коррупция ҳар

Реклама ва эълонлар

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари (микрфирма ва кичик корхоналар, хусусий уй-жой эгалари ширкатлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ташқари) раҳбар ҳамда масъул ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 3-мб-сон қарори (Адлия вазирлигида рўйхат рақами 2843-сон, 2016 йил 1 декабрь) билан тасдиқланган 83-иловасига мувофиқ 1-NH shakli (ҳисобланган иш ҳақи микдори бўйича ходимлар сонининг тақсимланиши) тўғрисида 2017 йил ноябрь ойи (ҳисоботи) йилда бир марталик давлат статистика ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 16-санасидан кечиктирмасдан тақдим этишнинг изасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон қўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон) ни Ўзбекистон Республикаси Дав-

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказадиган, давлатнинг конституциявий асослари ва қонун устуворлигини заифлаштирадиган, пировардида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишининг мустаҳкам ҳуқуқий базаси ва аниқ тизими шаклланиган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазкур қонун қондаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳала-

рида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ушбу қарорга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўздавнефтегазинспекция" ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, унинг ижроси изчиллик билан таъминланмоқда. Шу йўналишда қабул қилинаётган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар моҳияти бўлиб ходимлари иштирокидаги йиғилишларда атрофича тушунтирилмоқда, хизмат ходимларининг шахсий масъулият ва жавобгарлигини ошириш чоралари қўрилмоқда.

Йилнинг ўтган даврида мазкур идоранинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларда коррупция-

га қарши курашиш мавзуларида 10 дан ортиқ семинар-тренинглари уюштирилди. Уларга 650 га яқин тадбиркорлик субъекти қамраб олинди. Шу билан бирга, 309 тадбиркорлик субъектида бевосита жойида тушунтириш, тарғибот олиб борилади.

Бу ҳавфли иллатни келтириб чиқаришда омил бўлаётган сабаб ва шарт-шароитлар мунтазам таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш йўллари белгиланиб олинди. Масалан, ҳар бир ходимдан режали ва бошқа мониторинг текширишларида чиқшидан олдин, қонун талабларига қатъий риоя этиш изасидан тушунтириш хатлари олинмоқда ва

ҳар бир ўтказилган текшириш ва унинг натижалари махсус қайд этиб боришмоқда.

Бўлимимизда (71) 268-09-49 рақамли "Ишонч телефони" мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, бу рақамлар назорат объектилари, хусусан, автомобилларга ёқилги қўйиш шаҳобчаларида ҳам алоҳида қўринарли жойларда қайд этиб қўйилган. Жисмоний ва юридик шахслар кўннинг исталган вақтида ўз ариза ва шикоятларини баён этишлари учун зарур шароитлар таъминланган.

Умиджон ТўЛАЕВ,
"Ўздавнефтегазинспекция"
ҳудудий бўлими
бош технологи.

2017 йил 1 декабрь кунини "Ўздавнефтегазинспекция" Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимида коррупциянинг олдини олиш бўйича "Очиқ эшиклар кунини" ташкил этишмоқда.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ тадбиркор ва ишбилармонларни савдоларга тақлиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган оммавий савдоларга "Tranzit Yul Terminali" масъулияти чекланган жамиятига тегишли Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Увак Қўйида жойлашган, умумий ер майдони 7,2 Га., қурилиш ости майдони 1018,31 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 565,19 кв.метрдан иборат контейнер майдони бино-иншоотлари чиқаришмоқда. Бошланғич баҳо-си — 11 926 473 451,65 сўм.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар эълон чоп этилган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушиқ). Энг юқори тақлифни берган талабгор ва сотувчи ўртасида шартнома тuzилади.

Савдода қатнашиш учун талабнома билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, савдода вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: (0371) 228-84-48. Факс: (0371) 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: rletsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

БИР НУРОНИЙ ЕТТИ ОИЛАГА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Миллий академик драма театрида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси бошқаруви ташаббуси билан "Ёшлар тарбиясига масъул" мавзuida маънавий-маданий тадбир ўтказилди.

Маънавият

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳри ва вилоятимиз нуронийлари, бошқарувнинг ҳудудий бўлинмалари фаоллари иштирок этди. Унда дастлаб, тасвирий санъат усталари, истеъдодли ёшларнинг ижодий ишлари асосида тайёрланган кўргазма намойиш этилди.

— Ҳозирги глобаллашув жараёнида ёшлар тарбияси, айниқса, долзарб аҳамият касб этмокда, — дейди "Нуроний" жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажоннова. — Бу борада муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, кўпни кўрган кексаларимизнинг панд-насиҳатлари, ўғиллари зарур. Ота-оналар зиммаларидаги масъулиятни ҳис қилиши, фарзанди тарбиясига эътибор



ни кучайтириши керак.

— Биз, кексалар ўз фаолиятимизни "Бир нуроний етти ёш оилага масъул", деган шиор остида олиб бораёмиз, — дейди "Нуроний" жамғармасининг Олмалиқ

шаҳар бўлими хотин-қизлар билан ишлаш кенгаши аъзоси, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибаси Марҳамат ая Холбоева. — Ёзувчи Иззат Султоннинг ҳозир намойиш этилган "Имон" спектакли ҳам

тарбияда асло эътиборсизлик, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмаслигини яна бир бор тасдиқлаб турибди...

Сайёра ЭШМАТОВА.
А. АҲМЕДОВ
олган сурат.

Bolalik bog'i

Onajonim yuzlari

Ko'zlarida nur chaqnar,
So'zlarida dur chaqnar.
Mehrga to'lib boqar,
Onajonim yuzlari.

So'zlar bolu asal,
Har kalomi bir matal.
Hamma-hammadan go'zal,
Onajonim yuzlari.

Yuragidan qo'r berar,
Misli gavhar, dur berar,
Quyoshga ham nur berar,
Onajonim yuzlari.

Quvonchdir hayotimga,
Tashbehdir bayotimga,
Oyni solar yodimga,
Onajonim yuzlari.

Anor

Bobomning bog'larida,
Mevalar betakroridir.
Ularning eng shirini,
"Tuyatish"li anordir.

Havasu zavqqa to'lib,
Boqqa qarab yo'l oldim.
Savatimni to'ldirib,
Anordan uzib soldim.

Ayvonchaga kelibog,
Anordan tatib ko'rdim.
"Bog'bon bobojonim" deb,
Achomlab suyb qo'ydim.

Bog'dan chiqib hammamiz,
Uyimizga yo'l oldik.
Savatdagi anordan,
Buvimga ham o'voldik.

Ruxsora BAXTIYOROVA,
Bo'ka tumanidagi 5-umumta'lim
maktabining 3-sinf o'quvchisi.

Фотозъюд



Соҳ

Хасан ПАЙДОЕВ сурат-лаҳаси.

Жиноятга жазо муқаррар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли бошқармаси томонидан тайёрланган ҳисоботда қайд этилишича, ҳар йили 75-80 тонна гиёҳванд модда ўз истеъмолчиларига етиб бормокда. Дунё бўйича бу дардга чалинганларни даволаш учун миллиард-миллиард доллар керак бўлар экан.

Юртимизда, хусусан, вилоятимизда ҳам гиёҳвандлик моддалари истеъмоли ва олди-сотдисиға қарши бир қатор чора-тадбирлар кўрилатир. Шунга қарамай, бу ишга қўл ураётганлар учрайди.

Расул Имомназаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ана шундайлардан. У 2005 йилда Жиноят кодексининг 168-мод-

даси 2-қисмининг "а" банди билан айбли деб топилиб, амнистия актига асосан жазодан озод қилинган. Аммо, у бу имкониятнинг қадрига етмади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ота-она фарзандига тарбия бера экан, унинг қамолини кўришни истайди. Униб-ўсиб, эл қорига яраб, одамларга наф келтиришини, бир сўз билан айтганда, қомил инсон бўлишини хоҳлайди. Улар учун энг катта бахт ҳам шу аслида.

Бироқ, Расул Имомназаров қаби ота-онасининг бошини эгадиган, ўз жигарбандларига "жиноятчининг боласи", деган тағма босилишига сабабчи бўладиган ношудлар ҳам кам эмас.

Донишмандларимиз: "Дўстинг қимлигини айтсанг, сенинг қимлигингни айтаман", дея бежиз таъкидлашмаган.

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

ЧИРЧИҚДА ЧЕМПИОН АНИҚЛАНДИ

Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг қорхона, ташкилот ва муассасалардаги аъзолари ўртасида мини-футбол бўйича "Ёшлар кубоги" мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Иттифок томонидан Маданият, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур турнир ёшлар ўртасида дўстона алоқаларни йўлга қўйиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб қилиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

"Ёшлар кубоги" республика турнирининг турман, шаҳар босқичларида 3 мингдан зиёд, қорхона, ташкилот ва муассасалардан жами 30 минг нафардан ошқ йигит-қиз



худудларга бўлинган ҳолда ўзаро баҳслашдилар.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти спорт мажмуасида ўтказилган финал босқичида минтақавий саралаш беллашувларида голиб чиққан Хоразм, Сирдарё, Андижон, Тошкент вилоятлари жамоалари қатнашди.

Кескин ва мurosасиз курашларга бой бўлган мусобақада барча рақибларини ордта қолдирган Хоразм вилояти жамоаси мини-футбол бўйича "Ёшлар кубоги" турнири голиби бўлди.

Мусобақада голиб ва совриндор бўлган жамоаларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

КУЧЛИЛАР ШОҲСУПАГА КЎТАРИЛДИ

Пойтахтимизда дзюдо бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон полвонлари иштирок этган мусобақада вилоятимиз вакиллари ҳам қатнашди.

Чирчиқ олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Улуғбек Ўроқов оғирлиги 81 килограмм бўлган дзюдочилар баҳсида ўз маҳорати билан мухлис мутахассислар эътиборини қозонди. Истеъдодли дзюдочимиз олтига уч-



рашувда зафар қучиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Халқаро мусобақа финалида қатнашган Феруз Уклонов, Бехруз Омондав-

латов, Жамшид Бахтиёров кумуш медал билан тақдирланди. Жасур Саматов, Озод Муродов, Шоҳрух Тўраевга бронза медал тақдирланди.

ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ САМАРАСИ

Россиянинг Белеоярский шаҳрида бокс бўйича "World Cup of Petroleum Countries" мусобақасида ўзбек бокс тарбияланувчилари битта олтин ва учта кумуш медалга сазовор бўлди.

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган энг кучли боксчилар иштирокидаги мусобақада муваффақиятли қатнашган Чирчиқ олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиларидан Исроил Мадримов ва Санжар Турсунов ўз вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлди. Терма жамоамиз аъзоси Иқболжон Холдоров ҳам иккинчи ўринни эгаллади.



Олимпия уйинлари чемпиони Хасанбой Дўсमतов янги вазн тоифаси — оғирлиги 52 килограммга бўлган боксчилар ўртасида барча рақибларини

мағлубиятга учратиш, шоҳсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилиди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

БАҲОНАКАШ ГИЁҲВАНДЛАР

Расулнинг ҳамтовоғи Бердикул Ҳалимов ҳам бир неча бор судланган. У 60 ёшни қоралаётган бўлишига қарамай, жиноят қилишдан, фарзандларига ҳаром лўқма едиришдан уялмайди. Бўйи етган қизининг бахти очилмаётганига отасининг қилмишлари сабаб бўлаётти, десак,

янглишмаган бўламиз. Зеро, ҳеч қим жиноятчи, нашофуруш билан қуданда бўлгиси келмайди.

Хуллас, Расул, Бердикул ва уларнинг яна бир шериги Маманазар Ниёзов гиёҳвандлик моддаларини чекиш, арзонга олиб, қимматроққа сотиш билан шуғулланади.

Шунинг орқасидан мўмай даромадга эга бўлади. Бу узокқа чўзилмади. Ўзаро тил бириктирган бу қимсалар кўп ўтмай жиноят устида қўлга олинди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан, озоқликдан маҳрум этилди.



Айбланувчиларнинг суд мажлисида айтган айрим сўзлари одамни ажаблантиради. Мисол учун, Расул Имомназаров: "Тўғма ревматизм касаллиги билан оғриганман, ўпкамнинг чап томони тепа қисми жароҳлик йўли билан олиб ташланган, белимда умуртқа чурраси бор. Соғлигим ёмонлашганда оғриқнинг зўридан ўзимни ўнглай олмайдим, оғриқни сезмаслик учун наша истеъмол қиламан", дейди.

Эҳтимол, Р. Имомназаровнинг ўз саломатлиги бўйича билдирган мазкур фикрлари тўғридир. Аммо, бу жиноят қилишга асос бўлолмайди. Баҳона холос.

Ирода НОРОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.



Биоёқилги Sinopec компаниясида яратилган бўлиб, Хитойнинг фуқаролик авиацияси бошқармаси томонидан қўллаш учун маъқулланган.

Шу тариқа, "Hainan Airlines" биоёқилгини қўллаган ҳолда океан узра йўловчи ташишларни амалга оширган Хитойдаги илк компания бўлди. Авиакомпания президенти Сунь Цзяньфэн авиацион биоёқилги ишлаб чиқариш зарарли чикидиларни қамайтириш ва авиапарвозларни экологик жиҳатдан анча безарарлигини таъминлаш имконини беришини таъкидлади.

Кизик, дошқозонларда дамланадиган ўзбек паловидан қоладиган мойларни ҳам қайта ишлаб, самолётга қўйса бўлармикан?..

З. АҲМЕДОВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@uam.uz

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
Масъул котиб:
233-12-83
Бўлим муҳаррирлари
233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаввиҳ
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ